

“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ нинг барча акциядорлари диққатига!

“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ акциядорларининг 2025 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилади.

Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана: **2026 йил 25 июнь соат 10⁰⁰**

Йиғилиш ўтказиладиган жой: Қўқон шаҳар Давронбек кўчаси 87-уй,
“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ
маъмурий биноси

Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестрини шакллантириш санаси: **29 май 2026 йил.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрини шакллантириш санаси: **22 июнь 2026 йил.**

Акциядорларни рўйхатга олиш **25 июнь куни соат 09⁰⁰ да бошланади ва 10⁰⁰ да якунланади.**

Умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар:

1. “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш;
2. “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
3. Жамият бош директорининг 2025 йил якуни бўйича бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши, шунингдек жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг 2025 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича ташқи аудитор ҳулосасини тасдиқлаш;
5. Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш;
7. Жамиятнинг 2025 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2026 йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг бош директори билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш;
10. “Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” АЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш;
11. Жамиятнинг 2026 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини мажбурий аудитор текширувидан ўтказиш учун ташқи аудиторни танлаш ва унга тўланиши лозим бўлган ҳақнинг энг юқори миқдорини белгилаш;
12. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.

Эслатма. Акциядорлар умумий йиғилишга ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан, акциядорларнинг вакиллари нотариал тасдиқланган ишончнома билан иштирок этишлари шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳамда кун тартидаги масалалар бўйича қўшимча маълумотлар билан “Indorama Kokand fertilizers and Chemicals” АЖ маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Мурожаат учун тел: 99894 550-01-21 E-mail: ikf@uz.indorama.com
Манзил: Қўқон шаҳар Давронбек кўчаси 87 уй

“Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals” Жамият Кузатув кенгаши